



MILLIY TIKLANISH

52 (60) 2009 йил 23 декабрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси


www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliy@sarkor.uz



Сайловчилар билан очик, юзма-юз мулоқот

Жамиятда депутатнинг ўрни бениҳоя муҳим. Депутатлик юқори мартаба ёки лавозимгина эмас, аввало, масъулиятдир. Шу боис депутат бўлиб сайланган ҳар қандай шахс ўз гарданига жуда катта масъулият олади.


4-бет ←



Азалий тамойил

Озиқ-овқат – инсониятнинг кундалик эҳтиёжи. Биз ҳар куни ёки кунора рўзгор учун бозор-учар қилишга одатланганмиз. Шунинг учунми, бозорларда бирор кундалик маҳсулот нархи ўзгарса, дарров сезилади. Дунё бўйича эса ўтган 3 йил давомида озиқ-овқат соҳасида рўй берган «паст-баландлик»лар кўпчиликини хавотирга солган бўлса ажабмас.

7-бет ←



Яманинг марвариди

Яман ярим ороли қирғоғидан 380 км. узоқда Арабистон денгизида Дарса, Самха, Абдал-Кури ва Сокотра номли ороллар жойлашган. Уларни "Сокотра ороллари" деб аташади.

7-бет ←

MT

БУГУНГИ СОНДА:

ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!	2-бет
Сийёсий фаоллашув даври	
Шарафли касб эгаси	
ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!	3-бет
Баркамол авлод – Ватан ва миллат таянчи	
Партия Дастурида миллий кадрятлар акси бор	
Зиёли журналист	
ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!	4-БЕТ
Сайловчилар билан очик, юзма-юз мулоқот	
ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!	5-бет
Миллий бозорни ҳимоя қилиш ва ижтимоий кадрятларни эъзозлаш — етакчи вазирамиз	
Меҳнатдан эъзоз топаётган инсон	
ЖАРАЁН	6-бет
Ёш иқтисодчилар маскани	
Алдовга учманг	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Дунёдан дараклар	
КЎЗГУ	8-бет
Шоҳи белбоғ	
Чўлоқ бўрининг фожиаси	
Болаларни қаровсиз қолдирманг	



Баркамол авлод — Ватан келажаги

Сайловлар — «Миллий тикланиш» демократик партияси учун муҳим синов

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига бўладиган сайловлар бугунги кунда ўзининг авж палласига кирди. Чунки қайси газета ёки журнални ўқиманг, радио ва ТВ, ҳатто, шоҳжўчалар бўйидаги реклама тўсиқлари, катта экран таблоларига нигоҳ ташламанг, жойлардаги сайлов округи ва участкаларида бўлманг, сайловга тайёргарлик жараёни ёки сийёсий партияларнинг сайловчилар эътибори ва ишончини қозониш йўлидаги сай-ҳаракатларини кузатиш мумкин.

Айниқса, жойларда номзодларнинг сайловчилар билан бўлаётган учрашувлари қизгин ва фаол тус олмақда. Ушбу учрашувларда халқимизнинг кенг қатламлари партиямиз сайловолди дастурида акс этган ғояларни қўллаб-қувватлашмоқда. Партиямиз томонидан кўрсатилган номзодларимиз ҳокимиятнинг вакиллик органларидан кўп жой олишининг замини, албатта, бизнинг сайловолди дастурида акс этган. Бу, аввало, барча соҳаларда Ўзбекистон-

нинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазиғаларимизда яққол ўз инфодасини топганлиги одамларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Иккинчидан, ислохотлар ва демократлаштириш жараёнининг халқимиз ҳаёти, аъаналари ва кадрятлари билан уйғун ҳолда олиб борилиши ҳам аҳолининг кенг қатламлари томонидан маъқулланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Баркамол авлод — Ватан ва миллат таянчи

Айни пайтда сийёсий партиялар учун жиддий синов даври бўлган сайловлар арафасида турибмиз. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан маҳаллий кенгашлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларимиз жойларда сайловчилар билан учрашиб, партиямизнинг сайловолди платформасида белгилаб қўйилган мақсад ва вазиғаларимизни тарғиб ва ташвиқ қилмоқдалар.

Сайловлар партиямизни ва у кўрсатган номзодларнинг имконияти ва салоҳиятини намойён этадиган ҳамда яна бир бор синовдан ўтказадиган жиддий жараён эканини ҳаммамиз ҳис қилиб, англаб турибмиз. Партиямиз, оммавий ахборот воситалари орқали сайловолди платформамизни жойларда сайловчиларнинг кенг оммасига етказишга, улар онгига сингдиришга, ишонч ва эътиборларини қозонишга жиддий ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз сайловолди платформасида Ватанини севган ва миллий-маънавий кадрятларни хурмат қилувчи, мамлакатимизни жаҳоннинг энг илғор давлатлари даражасида кўришни истовчи ва бунга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга тайёр ёшлар ҳамда аёлларни ўзининг ижтимоий соҳадаги сийёсати марказига қўяди. Партия ёшларни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, мамлакатимиз умумий аҳолисининг салкам етти ярим миллиони 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборатлиги инобатга олинса, партиямиз олдида қандай масъулиятли вазиғалар турганлигини ҳис қилиш қийин эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларининг 47 фоизини ёшлар ташкил қиладди. Мамлакатимиз умумий аҳолисининг салкам етти ярим миллиони 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборатлиги инобатга олинса, партиямиз олдида қандай масъулиятли вазиғалар турганлигини ҳис қилиш қийин эмас.

(Давоми 3-бетда)

САЙЛОВ — 2009

Фуқаролик масъулияти

Ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда фуқароларнинг сийёсий онги ва тафаккури, бу борадаги фаоллиги янада юксалишида парламентга ҳамда жойлардаги вакиллик органлари бўлган маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловларининг ўрни беқийёсдир. Мустақиллик йилларида республикамизда сайлов муҳим ижтимоий институт сифатида шаклланди. Фуқаролар бу муҳим сийёсий кампанияга умид ва ишонч билан қарай бошлади.

"Бир сўз билан айтганда, шу юртда ғурур ва ифтихор билан яшаётган ҳар қайси инсон, ўйлайманки, навбатдаги сайлов барчамиз учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий им-

тихон эканини яхши тушунади ва англайди. Шу билан бирга, сайловда қатнашиш ҳар биримиздан нафақат Конституциямиз кафолатлаб берган овоз бериш ҳуқуқини бажо келтиришни, балки фуқаролик бурчимизни чуқур англаш ва бу масалага катта масъулият билан қарашни ҳам талаб қиладди", деб таъкидлади Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган маърузасида.

Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги ислохотлар моҳиятини теран англаган кишигина мамлакатдаги янгиликларни жараёнида ўзининг фаол фуқаролик позициясини намойён эта олади. Бундай кишилар барча жабҳаларда жамият тараққиётига ҳам муносиб улуш қўшишга қодир бўлиши мумкин.

Жамиятда сийёсий соҳанинг раванқ топиши аслида фуқароларнинг сийёсий онги ва маданияти қай даражада эканлигига боғлиқлигини изоҳлашга ҳолат бўлмаса керак. Бу жараён ўз навбатида, жамиятнинг демократлашувига ҳам хизмат қиладди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!



Баркамол авлод — Ватан ва миллат таянчи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди платформасида, у хоҳ сиёсий соҳа бўлсин, хоҳ миллий қонунчилик ва суд-хуқуқ тизими, хоҳ маънавий ёки ижтимоий-иқтисодий соҳа бўлсин, ёшлар ва аёллар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Партия ёшлар ва хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирок этишни таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб боришни ёқлайди. Мамлакат ва халқ манфаатларини устувор биландиган баркамол авлодни тарбиялаш орқали олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиши ўзининг муҳим вазифаларидан бири сифатида қарайди. Партия ана шу мақсадни амалга ошириш учун ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурурни уйғотиш, ёшлар ва болаларнинг амалдаги қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маънавий-ахлоқий таҳдидлардан муҳофаза қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни миллий-маънавий, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонлиги қилиб тарбиялашга устувор вазифа сифатида қарайди. Шунингдек, партия ёшларни замонавий билим, касб-кор ва мухтабассилликларни эгаллашга рағбатлантиришининг, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашининг, таълим тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг янада такомиллаштирилиши тарафдоридир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Ёшлар қаноти" фаоллари томонидан жойларда турли хил йўналишдаги тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари", "Ёшлар ва қонунчилик", "Инсон ҳуқуқлари ва инсон савдоси" мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилган. Шу ўринда мунтазам ўтказиб келинаётган "Баркамол авлод — обод Ватан келажаги" ёшлар форумини алоҳида таъкидлашни истардик. Мазкур

форум дастлаб вилоятлар марказларида ўтказилган бўлса, кейинчалик олис туман ва қишлоқларга етиб борди. Форум доирасида ташкил этилган партия ёш фаоллари томонидан тайёрланган амалий санъат буюмлари кўргазмаси, миллий либосларимиз галереяси, қолаверса, санъаткорларнинг чиқишлари олис қишлоқларда яшаб ижод қилаётган кўллаб ёшларда ажойиб таассуротлар қолдирди. Мазкур тадбирлар воситасида кўзланган мақсад ва вазифаларга маълум маънода эришдик, деб ҳисоблаймиз. Амалдаги қонунларни билиш ва англаш масаланинг бири томони. Энг асосийси эса, ана шу қонунларга риоя этиш қўнжикмасини пайдо қилиш. БУРЧ ва МАСЪУЛИЯТ тушунчалари айна шу нуқтада шаклланади. Демак, бурч фуқаролик масъулиятини пайдо қилади. Фуқаролик масъулиятни юқори бўлган ва уни ҳис қилган, англаган ёшлар эса жамиятда рўй бераётган барча жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғуси билан яшайди. Модомики шундай экан, партиямиз олдида турган муҳим масалалардан бири таъсирчан тадбирлар, партиямиз расмий наشري — "Миллий тикланиш" газетаси, қолаверса, оммавий ахборот воситаларидаги тахлилий чиқишлар орқали ёшларда фаол фуқаролик масъулиятини шакллантиришдан иборат, деб ҳисоблаймиз. Ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини ана шу тариха сингирдириш, жамиятимиз тараққиётига халал берадиган мафқуравий таҳдидларга қарши курашиш, уларда турли ёт ғояларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш, ҳақиқий маънодаги ватанпарварлик, миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналаримизга нисбатан ҳурмат уйғотиш ва эъзозлаш, мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, тенгдошларига нисбатан ибрат бўлиш туйғуларини камол топтириш партиямизнинг асосий мақсад ва вазифалари сирасига кириди.

Ота-онанинг фарзанд тарбиясига жиддий қарashi ва эътибори бизда қадрият даражасига кўтарилган. Ҳар бир ота-она фарзанд туғилганда унга яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига бериб, хат-саводини чиқариш, касб-хунар ўргатиш, мустақил ҳаётга тайёрлаш ва балоғатга етган пайтда ўйли-жойли қилишни ҳам фарз, ҳам қарз деб билади. Бугунги кунда муқояса тарзида айтиш лозимки, давлатимиз болалар ва ёшларга оталарча ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бунинг маънасида 2010 йил Президентимиз томонидан

"Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган ҳам тасдиқлаб турибди. Буларнинг барчаси соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришнинг амалдаги ифодасидир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларимизни бундай ғамхўрликка ўз амалий ишларимиз билан жавоб беришимиз керак, деб мушоҳада қилиш, мен эртага Ватаним учун нима қиламан, қандай ибратли ишларни амалга ошираман, деб ўйлашга даъват этишга интилади. Баркамол авлоднинг шаклланишида оиланинг ўрни беқасб эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг сайловолди платформасида оила институти ва қадриятларини янада мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган сиёсат олиб бориш ҳамда "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун зарур ҳуқуқий ва амалий механизмларни кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилинишига эришишни ўзининг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири, деб билади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди платформасида болалар ва аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш масаласига асосий вазифалардан бири сифатида қарайди. Партиямиз аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш мақсадида турли тадбирлар уюштириб келаяпти. 2009 йилнинг май-июнь ойларида партиямиз "Аёллар қаноти" ташаббуси билан юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, жойларда сиёсий етук, иқтидорли хотин-қизларимизни танлаб, уларни партиянинг илгор етакчилари қилиб тарбиялашга қаратилган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезо-ни" мавзусидаги республика кўламинидаги кўрик-танлов, Тошкент шаҳрида ўтказилган "Оила қонунчилигининг ҳаётга таъбиқ қилиниши ва уни такомиллаштириш масалалари", Тошкент вилояти Кўйи Чирчиқ тумани-

да ташкил этилган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да аёлларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш" мавзусидаги тадбирлар бунга мисол бўла олади.

Маълумки, сайловда иштирок этаётган барча сиёсий партиялар ўз сайловолди платформаларини эълон қилдилар. Уларнинг деярли барчасида мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этадиган ёшлар ва аёллар овозини олишга интилиш яққол сезилади. Бу, албатта, табиий жараён. Чунки ҳар бир сиёсий партия ана шундай катта куч ёки қатламнинг салоҳиятидан фойдаланишни истайди. Бунга қуруқ ва умумий ваъдалар билан эмас, аксинча амалий иш билан эришиш мумкин. Биз бу гапларни бежиз айтаётганимиз йўқ. Масалан, "Адолат" социал-демократик партияси сайловолди платформасида аёллар ва ёшларни ана шундай ваъдалар билан ўз томонларига оғдиришга уринишлар бор. Ҳукумат томонидан аллақачон бошланган ва амалга оширилётган ишлар ва дастурларни "ўзиники" қилиб олишга интилиш мавжуд. ЎЗМТДП эса улардан фарқли ўлароқ юқорида айтилганидек, ёшлар ва аёлларнинг фаоллигини ошириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ёшлар ва аёллар қаноти мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ушбу мақсадларга эришишда республикада фаолият юритаётган барча жомоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар, давлат идоралари билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларнинг, хотин-қизларнинг юксак сиёсий маданияти, ижтимоий фаол, дунёқарashi кенг, Ватан мустақиллиги, кўп миллатли жамиятимиз барқарорлиги фидойилари, ўз ҳуқуқлари учун курашадиган фаол фуқаролар бўлиб етишишига хизмат қилишига ишонамиз. Модомики, шундай экан, ёшларимизни танлаб, ёшларларимизнинг илгор етакчилари қилиб тарбиялашга қаратилган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезо-ни" мавзусидаги республика кўламинидаги кўрик-танлов, Тошкент шаҳрида ўтказилган "Оила қонунчилигининг ҳаётга таъбиқ қилиниши ва уни такомиллаштириш масалалари", Тошкент вилояти Кўйи Чирчиқ тумани-

Арслон ЭШМУРОДОВ,
ЎЗМТДП МК Ижроия
Кўмитаси раиси
ўринбосари

МУНОСАБАТ

Партия Дастурида миллий қадриятлар акси бор

Мамлакатимизда кечаётган улкан сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишларни мунтазам қўзатиб бораёман. Тўғрироғи, нафақат қўзатиб бораёман, балки шу жараённинг иштирокчиси сифатида сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларига бир қадар бўлсада ўз ҳиссамни қўйишга ҳаракат қиляёман.

Очиги, бугунги кунда ҳар бир сиёсий партиянинг ўз электорати, улар олдида нуфузи, ўрни бор. Мени эса айнан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билан ҳамкорлик қилишга даъват этган нарса бу — ушбу партия олдида турган вазифа миллий менталитетимизни, миллий қадриятларимизни сақлаш, тиклаш ва уни дунё ҳамжамиятига бор буй-баста билан намоеён қилишдан иборат эканлигидир. Бир неча йиллардан буён Бойсун миллий хунармандчилигини ривожлантириш, шу мўъжазгина масканда яшаб ўтган ота-боболаримиздан қолган, бироқ давр, замон талотўплари сабаб маълум бир вақт унутилган гиламдўзлик, каштачилик, дўппидўзлик ва бошқа халқ амалий санъат турларини қайта тиклаш борасида олиб бораётган ишларимиз айна дамда «Миллий тикланиш» демократик партияси Дастури, фаолияти билан Ҳамоҳанг эканлиги нафақат ўзим, балки марказимиз аъзоларини ҳам ушбу партия билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш, унинг мақсад ва ғояларини қўллаб-қувватлашга даъват этди. Натихада мана бир неча йилдирки, миллий хунармандчилик марказимиз мазкур партиянинг Бойсун туман кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ва бу ҳамкорлик ҳар икки томон учун манфаатли бўлаётганлиги-

ни иш жараёнида кўриб, сезиб турибмиз. Ўтган давр мобайнида партиянинг туман кенгаши билан биргаликда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, қолаверса, Бойсун халқ амалий санъатини ривожлантириш, тарғиб қилиш борасида ўтказган тадбирларимиз, кўргазмаларимиз ўз самарасини бераётди. Бунинг айна пайтда туманимизда ушбу партия тарафдорлари қолаверса, халқ миллий хунармандчилиги соҳасига қизиқиш билан қараётган, ўз келажагини миллий хунармандчилик билан боғлаётган ёшларнинг сони ортиб бораётганлиги билан изохлаш мумкин.

Яна сайловолди жараёнларига қайтсам... Партиямизнинг бош наشري - «Миллий тикланиш» газетаси орқали Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига партиямиз томонидан кўрсатилган номзодлар билан таъинланди. Албатта, ушбу номзодлар партиямиз аъзолари орасидан танлаб олинган энг сара, парламент куйи палатасида партиямиз манфаатларини айна ҳимоя қила оладиган инсонлардир. Эндиги вазифа ҳар бир партия аъзоси, тарафдори партиянинг барча даражадаги депутатлик учун кўрсатган номзодларини сайлов кунигача кенг сайловолди оммага илоҳи борича яқинроқ таништириш, уларнинг сайловолди дастурларини тарғибот-ташвиқот қилишдан иборат. Шу билан бирга партия Платформасини халқимизга етказиш, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш қийинлашган сайловларда муваффақиятга эришиш учун замин бўлиб хизмат қилишини англашимиз ва сайловолди ҳаракатларимизни ҳам шу мақсадга йўналтиришимиз керак бўлади. Зотан, бу мақсад эртага миллат, Ватан раванқини таъминлашга, эл-юрт манфаатини ҳимоя қилишга, ҳаётимизни янада фаровон қилишга хизмат қилишига ишончим комил.

Алишер ОРИПОВ,
Бойсун миллий хунармандчилик маркази раҳбари, ЎЗМТДП туман кенгаши аъзоси

НОМЗОД ҲАҚИДА СЎЗ

Албатта, истаимизми, йўқми, журналистиканинг ҳам ёзилган ва...ёзилмаган ўз қонун-қоидалари бор. Аввало, иқтидор, малака, маҳорат билан бирга, энг асосийси, ҳаётни қай даражада билишига қараб ҳар бир ижодкорга баҳо берилади. Тўғри, айримлар "истеъдод бўлса инсталган мавзуда қалам тебратиб кетиш мумкин" деган қарашларни ҳам оқлайди. Бу танганинг бир тарафи. Иккинчи томони эса...



Зиёли журналист

Норқобил ЖАЛИЛ,
журналист

Мен бугун бутун мамлакатимиз сиёсий майдонидега кечаётган йилнинг энг муҳим воқеаси — 27 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари сайлови арафасида бу ўзига хос синонда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 6-Чўпонота сўйлов округидан Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзоди қўрсатилган ҳамкасбим Дилмурод Қирғизбоев ҳақида кўнглимдан кечган айрим қузатув, мулоҳаза ва ўйларимни баён этмоқчиман. Чунки сўзим аввалда журналистика соҳасига дахлдор инсонлар ижод билан бирга баб-баравар сиёсий-ижтимоий ҳаётда ҳам фаол бўлишларини даврнинг ўзи талаб қилишига бежиз ургу бермайдим. Ҳўш, журналистиканинг ижтимоий ҳаётда энг муҳим вазифаси, бурчи нимадан иборат бўлиши керак?

Менинг назаримда бугунги замон шиддати ҳар бир соҳа малакидан, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ходимларидан ҳам ҳаётга теранроқ назар ташлашни, кўпроқ эл-улус дарди, қувонч-ташвиши билан яшашини ҳамда юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришларга муносиб баҳо беришда ҳолисона позицияда туришини талаб қилаётди. Шу маънода мен кўп йиллардан бери турли наشرларда баҳоли қудрат ижод қилиб

кечаётган Дилмурод Қирғизбоевнинг шу овоз ва обод мамлакатимизнинг ўз ҳақ-хуққини чуқур англаган эркин бир фуқароси сифатида жиддий имтиҳон — умум-халқ сайловида иштирок этаётганини бошқа партия ва соҳаларга мансуб номзодлар ўртасидаги сиёсий рақобатда зиёли журналистларнинг ҳам ўрни ва овози борлигини кўрсатувчи омил деб биламан.

Сезиб турибмиз, бу галги сайлов жараёни энгил ёки осон кечмайди, аксинча, сайловчилар — юртдошларимиз учун муносиб номзодларни танлаш ҳуқуқи яратилиши билан бирга, уларнинг фаол фуқаролик позициясини англаб овоз бериши муҳимлиги аён. Ва табиийки, номи зикр этилган ушбу сайлов округидан Дилмурод Қирғизбоевга бошқа партиядан мўқобиллик асосида номзодлари кўрсатилган юртдошларимиз ўз соҳаларини пухта эгаллаган, тажрибали ҳамда одамлар орасида обрў-эътиборга лойиқ.

Лекин Дилмурод Қирғизбоевнинг мустақиллик йилларида "Миллий тикланиш" ҳамда айна пайтда ижод қилаётган нуфузли нашр "Қишлоқ ҳаёти" газетаси саҳифаларида чоп этилган ижтимоий-иқтисодий мавзуларга оид мақола ва чиқишлари кўпчиликнинг эътиборини қозонган, десам мулобага бўлмайдиган. Чунки унинг қаламига мансуб аксарият мақолаларида тилга олинган қаҳрамонлар сизу бизнинг ёнгинамизда, ҳамнафас, елкадош ва сирдош бўлиб яшаётган инсонлар. Уларнинг бири

ҳалол пешона тери вазифа етиштирган ноз-неъматлари эл дастурхонини обод ва тўкин қилаётган деҳқон бўлса, ана бири ўз маҳалласида кўпчиликнинг қорига яраб, кексалар, етим-есирлар ва муҳтожларга қўлидан келгунча эзгулик кўрсатиб, ана шу савобли амалларини миннат қилмайдиганлар тоифасидан.

Кўп бора кузатганман, турли наشرларда айрим ҳамкасбларим мабодо журналистикадан ташқари бошқа бир ихтисосликни эгаллаган бўлишса, ана шу соҳага алоқадор мавзуларда мақола-лар ҳам ёзиб юришади. Лекин Дилмурод Қирғизбоев ҳақида сўз кетса, ҳеч иккиланмай "зиёли журналист" десак арзийди. Нега дерсиз. У энг аввало ўз жомоасида ташаббускор, оиласида меҳрибон ота, маҳалласида фаол, бир сўз билан айтганда, маҳалла аҳлига сирдош, дардаш, дастёр. Биламизки, кўпгина маҳалла-қўйларда айна Дилмуродга ўхшаган зиёли, тўғри йўл кўрсатадиган маслаҳатчи, фаолларга муҳтожлик жуда сезилади. Чунки турли хилдаги оилавий ва маънавий муаммолари, саволларига жавоб излаётганларга ў қўлидан келса маҳалласида, бўлмаса, ўзлари яшаётган туман ёки пойтахт маҳкамалари миқёсида беминнат кўмаклашади. Яна...

Хуллас, у ҳақда ҳали ёзаверсак, айтаверсак гап кўп, жонли мисоллар бисёр. Лекин... ҳаётнинг оддий бир ҳақиқати шундайки, жамият, эл-улус, оиласи, маҳалла-дошларига эртага агар халқ депутатлари шаҳар кенгашига депутат этиб сайланса, нафи, фойдаси тегадиганлар сафидега Дилмурод Қирғизбоевга ўхшаган инсонлар бўлса сайловчилар ютқизишмайди.

ЎЗМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ЖАРАЁН

Жамиятда депутатнинг ўрни бе-нихоя муҳим. Депутатлик юқори мартаба ёки лавозимгина эмас, аввало, масъулиятдир. Шу боис депутат бўлиб сайланган ҳар қандай шахс ўз гарданига жуда катта масъулият олади. Депутатни, у қайси даражада бўлмасин халқ сайлар экан, шу орқали ҳар бир сайловчи давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишда ўзи учун замин яратди. Албатта бунинг учун биз сайлаган депутат ҳар бир қонунни қабул қилишда, бу ҳужжат фақат давлатга эмас, биринчи навбатда халққа, аҳолига қандай наф келтиришини ўйласа, улар яратган қонунлар одамларнинг фикрини, орзу-умидини ифодаласа, тараққиётга хизмат қилса. Демак яқинда Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларда ана шундай номзодларни топиб, муносиб кишиларга овоз бериш сайловчилардан талаб этиладиган муҳим жиҳатдир. Бироқ, сайловчиларнинг бундай танлаш имкониятига эга бўлиши сайловлар пайтида номзодлар томонидан тарғибот-ташвиқот ишларининг қандай олиб борилишига боғлиқ. Айни пайтда биз жойларда ана шундай тарғибот-ташвиқот ишлари авж палласига кирганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Жумладан, ЎЗМТДП номзодларининг сайловчилар билан қизгин кечаятган учрашувларида депутат масъулиятини, ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат бўлиши керак, жамиятимиз ҳаётида қайси масалалар қонунчилик фаолиятининг асоси сифатида бўлажак депутатларнинг диққат марказида турмоғи лозим, ЎЗМТДП сайловчилар ҳузурига қандай мақсад ва гоъялар билан чиқмоқда, партия сайловлардан кейин амалга оширадиган ҳаракат дастури қандай масалаларни ўз ичига қамраб олган қабилдаги саволлар фуқароларни кўпроқ қизиқтирмакда.

Бугун одамларнинг сиёсий савияси ва маданияти, ҳуқуқий онги юксалган бир даврда сайланган депутат халқ ишончини қай даражада оқлайди, фуқароларни ўйлантира-

дан бири ҳам ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини оширишдан иборат. 2010 йил Президент ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди. Бу эса, айниқса қишлоқ жойларда яшаётган ўғил-қизларнинг илм-фан, спорт билан шуғулланишлари, буюк болаларимиз тарихини яхши билиш ва уларга муносиб фарзанд бўлиш, ҳуқуқий билим ва маданиятга эришиш, халқимизнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини янада мустаҳкамлаш учун замин яратди. Партия жойларда миллий уналарманчиликни ривожлантириш, касаначилик орқали ҳар бир оиланинг иш билан бандлигини таъминлаш, оилани сақлаб қолиши, миллий қадрият ҳисобланган ярашув институтини тарғиб қилиш, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишни ёқлайди.

Учрашувларда сўзга чиққан «Гулистон» маҳалласи раиси Асатулла Эргашев, «Пастки Қалангар» маҳалласи маслаҳатчиси Мақсуда Ибодуллова, «Дўстлик» маҳалласи вакили Моҳира Жумаева номзод Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи қонунлар қабул қилинишига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлаб, агар

ётган сабаблардан бири эканлигини қайд этди.

- Сиёсий партиялардан кўрсатилаётган номзодларнинг сайловолди учрашувларида иштирок этиб, улар томонидан ишлаб чиқилган дастурлар билан батафсил танишиб, шуни айтишим мумкинки, номзодларнинг ҳар бири ҳам гоъя долзарб ва аҳамиятли масалаларга эътибор қаратган. Бу эса биз каби сайловчилардан танлаш борасида ўта зийраклик, донолиқни тақозо этади. Ўз навбатида номзодларга қатъий талабимизнинг ортишига ҳам олиб келади. Чунки ишониб сайлаган депутатимиз парламентда маълум бир масалаларни ҳал этар экан, бу минглаб, миллионлаб ватандошларимиз ҳаётига дахлдор эканлигини ҳеч қачон ёддан чикармаслиги керак,- дейди сайловчи Дилафрўз Кўчқорова.

45-Уйчи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган Акмал Раҳманов Уйчи туманидаги Гулистон ҚФЙ, 19-мактаб ҳамда Норин туманидаги 42-мактабда сайловолди учрашувини ўтказди. Йиғилганлар номзоднинг сайловолди дастури билан батафсил



Сайловчилар билан очик, юзма-юз мулоқот

ЎЗМТДП номзодлари учрашувлари қизгин руҳда ўтмоқда

А.Турсунов депутат бўлиб сайланса келажақда бу борада янада кенгрок ва самарали фаолият олиб боришига ишонч билдирди.

таништирилди. Уларга Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси асосий мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумотлар берилди. Номзод сайловолди дастурида ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда бугун мамлакатимиз, ҳусусан вилоятда мавжуд муаммолар ва уларни қонуний асосда бартараф этиш чора-тадбирлари акс этди.

Мазкур учрашувларда сайловчилар томонидан берилган саволлар асосан ижтимоий масалалар билан боғлиқ бўлди. Аёлларни иш билан таъминлаш, касаначилиқни ривожлантириш, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида тўлов бадалларини камайтириш шулар жумласидандир. А.Раҳмановнинг сайловолди учрашувлари Уйчи туманининг Жийдақапа ҚФЙ, Маиший хизмат коллежида ҳам қизгин, савол-жавобларга бой ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 22-Когон сайлов округидан кўрсатилган номзод Мавжуда Ражабова ҳам сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Айниқса, тумандаги 3-мактабдаги юз кишига яқин иштирокчи қатнашган учрашув сермазмун ва самарали ўтди. ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ихроия кўмитаси раиси ўринбосари Ботир Норбоев сайловчиларга партия Дастури ҳамда Платформаси ҳақида атрафлича тушунтириш берди.

Номзоднинг ишончли вакилларидан бири вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Юсуф Қурбонов қатнашчилар эътиборини номзод Мавжуда Ражабова қонун ва меъёрий ҳужжатларни таҳриббад қўллашга интилувчан, принципиал, ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида қатъий ҳаракат қиладиган фидойи мутахассис эканлигига қаратди.

- Сайловдан сўнг шаклландиган парламентнинг Қонунчилик палатаси зиммасига янги қонунлар яратиш, мавжудларни янада такомиллаштириш каби масъулиятли вазифалар юклянади,- деди нотиқ. - Демак, турмушимиз, таълим, тиббий соҳа ривож, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда замон талабларига мос қонунлар яратиш учун ҳаёт тажрибасига эга бўлган, демократик ҳуқуқларни шакллантира оладиган, тажрибали ҳуқуқшуносларга овоз бериш айни мудоаа бўлар эди. Мавжуда Ражабова ўз соҳасини чуқур ўзлаштирган, бир неча йил ҳуқуқий маслаҳатчи, судья, адвокат сифатида фаолият юритиб, айни кунда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Бухоро вилояти ваколатхонаси бошлиғи, ваколатхона ҳузуринда ташкил этилган Бухоро вилояти ҳакамлик судининг раиси лавозимида ҳам ишлаб келмоқда.

Шундан сўнг, ЎЗМТДП номзоди сайловчиларга ўзининг сайловолди дастури ҳақида сўзлаб берди. Унинг чиқиши кўпчиликка маъқул бўлганлиги боис учрашув дўстона мулоқот руҳида давом этди. Номзод кўплаб саволларга жавоб қайтариб сайловчиларда ижобий таассу-

рот қолдирди.

Номзод шу кунга яна учта мактабда сайловчилар билан учрашди. Жами учрашувларда 250 дан ортик сайловчилар иштирок этди.

111-Шовот сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, Шовот туманидаги «Темир бетон» хусусий корхонаси раҳбари Азимбой Рўзиёвич Ерметов сайловчилар билан учрашди.

Учрашув чоғида А.Ерметов сайловолди дастурини ўқиб эшиттирди. Унда номзоднинг мамлакатимизда мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, халқ ҳўжалигининг барча тармақларига татбиқ этилаётган янгиликлар, амалга оширилган ислохотлар самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиш истаги ифода этилган.

- Президентимиз халқимизнинг янада фаровон, фарзандларимизнинг тўкин яшашлари учун доимо ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Қишлоқ жойларида намунавий уй-жойлар қурилишининг бошлангани фикримизнинг яна бир далилидир. Ана шундай хайрли ишни амалга оширишда улуш қўшаётганимиз корхонамиз жамоасини фахрлантиради,- деди номзод сўзини давом эттириб.

Дастурдан ўрин олган жамиятимиздаги янгиликларга алоқадор мулоҳазалар, бугунги тараққиётни таъминловчи омиллар сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Номзодга шу мавзуда кўплаб саволлар берилди. Жавоблар эса кенг мулоҳаза асосида ва қоникарли бўлди.

- Амалдаги қонунларнинг янада мукамаллашуви ва халқимиз, юртимиз келажаги учун хизмат қиладиган янги қонунларни тайёрлаш ҳамда қабул қилишда иштирок этишнинг мақсад қилар эканман, мен аввало, зиммамда катта масъулиятни ҳис этмоқдаман,- деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 106-Богоф сайлов округидан номзод Эркинбой Юсупов сайловчилар билан Деҳқонбозор қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежида бўлиб ўтган учрашува.

Номзоднинг сайловолди дастуридан миллий маънавиятимизни кенг тарғиб қилиш, миллий истиқлол гоъясини ёшларимиз оғига чуқур сингдириш, фарзандларимизни тарбиялашда интеллектуал имкониятларимиздан тўлиқроқ фойдаланиш масалалари кенг ўрин олди.

Э.Юсупов мамлакатимизда хўнармандчиликни ривожлантиришга қаратилган эътибор, бунинг натижасида хўнар эгалари сонини, миллий уналарманчилик буюмлари ишлаб чиқариш ортгани, улар нафақат юртдошларимиз балки дунёнинг турли давлатларидан ташриф буюраётган минглаб сайёҳларнинг қимматли харидига айланганини алоҳида таъкидлади. Шу ўринда Хива хўнармандчилик мактаби ютуқларига тўхталиб ўтди.

Номзод сайловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси де-

путатлигига 105-Урганч сайлов округидан номзод Отаназар Чўпонов, 109-Хонқа сайлов округидан номзод Шавкат Авазов ҳам сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Машхура Муродова 112-Қарши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган. Булажак депутат Қарши шаҳридаги Худойод маҳалласида 120 дан ортик фуқаролар билан ўтказган учрашувида ўзининг сайловолди дастурида белгилаб олган мақсад ва вазифалари билан йиғилганларни таништирди. Машхура Муродова дастурида маҳалладаги хотин-қизларга бўлган эътиборни янада ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрнини кучайтириш, иш билан таъминланмаган ёш хотин-қизларга иш ўринлари яратиш масалалари ўрин олган. Айниқса, маънавий соҳада халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва аждодларимиз эришган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларга миллий тарих ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат туйғусини уйғотишга алоҳида эътибор қаратилган.

113-Бешкент сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган Салим Сайимов айни пайтда сайловолди дастури билан омгани таништириш мақсадига учрашувлар ўтказмоқда. Улардан бири Косон туманидаги 3-4-сонли мактабларда 225 нафар сайловчилар иштирокда бўлиб ўтди ва унда номзод, жумладан, шундай деди:

- Бугунги ёшларимизга таълим-тарбия бериб, уларни замон талабларига мос кадрлар қилиб етиштириш билан бирга фарзандларимиз оғига халқимизнинг бой ва бетакор руҳини, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарини сингдириб боришимиз лозим. Бунда эса истеъдодли, иходкор ёшларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг қонуний ҳамда амалий механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, қайсики, инсоннинг маънавияти юксак бўлса, унинг қалбида юртга бўлган меҳр-муҳаббат ҳам кучли бўлади ва қайси соҳада бўлмасин, у Ватан равнақига доим ҳисса қўшиш иштиқидида яшайди. Бу борада бўлажак депутат Салим Сайимов ўз олдига қўйган режа ва мақсадларига кенг омгани янада яқинлаштиришига ишончимиз комил.

Халқ ишончига эга бўлиш осон эмас. Унинг номида иш қўриш, қонунлар қабул қилишда иштирок этиш қолаверса, бугунги сайловчи талабига муносиб бўлиш инсондан жуда катта меҳнат талаб этади.

Айни кунда сайловчилар ўз эътиборини номзодларнинг сайловолди дастурлари, сиёсий ва маънавий етуқлиги ҳамда шу кунгача олиб борган иш фаолиятларига қаратганлар. Зеро, улар учун бемалол танлаш им-

конияти мавжуд.

Партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 26-Жилвон сайлов округидан номзод Амрилло Сафаров, 23-Шохруд сайлов округидан қўйилган номзод Рашид Адизов, 25-Варахша сайлов округидан Улмас Қараев ҳамда 21-Бухоро сайлов округидан кўрсатилган номзод Дилором Файзиеваннинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам ана шундай жонли, очик ва савол-жавобларга бой тарзда ўтмоқда. Бўлиб ўтган ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ихроия кўмитаси йиғилишида бошқа номзодлар ҳам фаолликка қақирди.

64-Гулистон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими раиси Олтиной Эсонова Гулистон туманида сайловчилар билан учрашди.

Учрашуви ЎЗМТДП Гулистон туман кенгаши Ихроия кўмитаси раиси Бахриносат Норжигитова очди. Шундан сўнг, О.Эсонова сайловчиларга ўз таржимайи холи, иш фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб бергач, барчанинг диққат-эътиборини ЎЗМТДП сайловолди платформасига қаратди.

- Партияимизнинг сайловолди платформасида оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш, янги қонун ҳужжатлари, ҳусусан миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда репродуктив саломамлиқ масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, оилада тиббий маданиятни ривожлантириш, аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳавфли касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам бериш, халқимизга хос бўлган соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кенг ўрин ажратилган. Мен ўттиз йилдан буюн соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатаман. Иختисосим педиатр бўлгани учун фаолиятимда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ислохотлар жараёнида фаол қатнашишим, бу соҳадаги ечимини кутаётган муаммоларни чуқур ўрганишни асосий мақсад қилиб белгилаганман. Агар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш, репродуктив саломатлик масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда фаол қатнашаман. Шунингдек, сайловолди ҳаракат дастуридан ўрин олган ижтимоий соҳада ҳомийлик ишларини кенг ривожлантиришга ҳам асосий эътиборимни қаратаман.

О.Эсонова шундан сўнг сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ана шундай учрашувлардан бири Оқолтин туманида ҳам бўлиб ўтди. 67-Оқолтин сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган, Сирдарё вилоят аграрно-мажмуаси ходимлари касабга уюшмаси кўмитаси раиси Юсуфжон Утаганов сўзга чиқар экан, ўз ҳаракат дастури ҳақида тўхталиб, Номзод Олий Мажлис палатасига депутат этиб сайланса, аҳоли турмуш даражасини ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, мамлакат инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолини меҳнат билан банд этиш каби ишларга ҳисса қўшишни билдириди. Учрашув савол-жавоблар остида қизгин ўтди.



ётган, муаммоларни ҳал этишга мутасадди ташкилотларни жалб қила оладими, деган ўй ҳар бир сайловчини қизиқтириши табиий. Чунки депутатнинг иши катта-катта, қуруқ ваъдалар бериш, кучга асфальт ётқириш ёки ичимлик суви келтириш эмас, балки ана шунга замин яратадиган, мутасаддиларни жалб этадиган қонун яратиш ва қабул қилишдан иборатлигини сайловчилар аллақачон тушуниб ётган. Шу каби фикрлар жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 63-Қоратепа сайлов округидан номзоди кўрсатилган Ахтам Турсуновнинг сайловчилар билан учрашувларида акс этди.

Ургут туманидаги Қурилиш ва миллий уналарманчилик коллежида бўлиб ўтган учрашув гоъя самимию ва кўтаринки қайфиятга ўтди. Унда маҳалла фаоллари, оксоқоллар, ўқитувчилар жамоаси, талаба-ёшлар иштирок этишди. Коллежининг 600 ўринли мақсислар залида бўш жойнинг қолмаганлиги сайловчиларнинг номзодга нисбатан бефарқ эмаслигини намоян этди.

- Ахтам Турсуновнинг номзоди булгал ҳам туманимиздан кўрсатилганлиги бежиз эмас, - дейди номзоднинг ишончли вакили Хусниддин Йўлдошев. - Очиғи бунга ҳамма ҳам жўрват қилавермайди. Номзоднинг сайловолди дастури партия платформаси билан ҳамоҳанг.

Ахтам Турсунов сайловчилар билан учрашувида сайловнинг жамият тараққиётида тутган ўрни, сайлов тарғиботида қонунларга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар, ЎЗМТДП Дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар, парламент тизимидаги ислохотлар, бу борада жаҳон тажрибаси ҳақида, айниқса ёшларга кенг тушунтириш берди.

Учрашув ва мулоқотларда бот-бот таъкидланганидек, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий мақсадлари-

ЎЗМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ТАШВИҚОТ

Миллий бозорни ҳимоя қилиш ва ижтимоий қадриятларни эъзозлаш — етакчи вазифамиз

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтган давр ичида тараққиёт сари юз тутиб, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди ҳамда халқаро миқёсда юксак обрў-эътибор қозонди. Истиқлол берган беқийёс имкониятлар тўғрисида халқимиз келажagini ўз қўли билан қўриб, эртанги кунга мустақкам ишонч билан қарамоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси жамиятда амалга ошириладиган ўзгариш ва янгиликларда фаол иштирок этишга интилаётган сиёсий кучдир. Партиямиз сайловолди платформасида иқтисодий-ижтимоий соҳадаги вазифаларни ўзининг электорати манфаатларидан келиб чиқиб белгилаб олди.

Партия миллий бозорни ҳар томонлама ривожлантиришга кўмаклашишни асосий устувор вазифа этиб белгилади. Ушбу соҳадаги партия сиёсатининг стратегик мақсади аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий оширишнинг муҳим омилли сифатида иқтисодий суверенитетни, иқтисодий хавфсизликни янада мустақкамлашдан иборат.

Ўзбекистоннинг рақобат бора-сидаги афзалликлари асосланган ҳолда, мамлакатимизнинг ҳужалик комплексини диверсификация қилишни бундан буён ҳам давом эттириш, миллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш асосида хориждан келириладиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини мустақкамлашнинг партия ўзининг биринчи навбатдаги вазифаси, деб биланди. Мамлакатимизда шакланган қулай инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш, бунда маҳаллий инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича маҳаллий ва хорижий инвесторларга яратилган иқтисодий шартношларни тенглаштиришга қаратилган ислохотларни кўлаб-қувватлаш долзарб аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, истеъмол товарлари ва хизматларда миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, ҳақон бозорларига Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган товарларнинг "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадли чоралар қўришга эътибор қаратамиз.

Дарҳақиқат, шу ўринда етук кадрларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ташқи ва ички иқтисодий фаолият соҳасида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун иқтисодиёт ва бошқарув соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга ва бу борадаги қонунлар ижросини таъминлашга кўмаклашишни партия ўз олдига турган муҳим масала, деб биланди.

Иқтисодиётни модернизациялашда асосий эътиборни иқтисодиётга замонавий технологияларни жорий қилиш, инновация фаолиятини рағбатлантириш, ишлаб чиқаришда фан ютуқлари ва илмий кашфиётлардан фойдаланиш механизмига алоҳида аҳамият қилиш, фан ва иқтисодиётнинг ўзаро алоқасини янада кучайтириш, айниқса, бугунги кундаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида қаралиши лозимлигини эътироф этамиз.

Қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиш борасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва мини цехларни ривожлантиришни ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш масаласи партиянинг долзарб вазифаси экан, маъзур масалада маҳаллийлаштириш дастурининг ижросидан келиб чиқиб, маҳаллий хомашё неғизидан ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга эътиборни кучайтиришни ҳуқуқий жиҳатдан кўлаб-қувватлаш лозим.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси иқтисодий ривожланишнинг пировард натижаси — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини янада мустақкамлаш, янги иш ўринлари яратиш, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорликнинг аҳанавий маданиятини қайта тиклаш борасидаги ишларга кўмаклашишни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилаб олиб, унинг қонуний асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

Партиямиз миллий ишлаб чиқарувчи ва бутун жамиятга жуда катта зарар етказётган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар қонунга қарши курашишга кўмаклашишни ўзининг етакчи вазифаси, деб биланди ҳамда бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга ҳаракат қилади.

ЎЗМТДП юртимиз табиятига, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаб муносабатда бўлишни, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланилишни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини кўлаб-қувватлаш ҳамда ушбу соҳанин ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан барча бўғинлардаги ҳокимият вакиллик органлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар ўз амалий фаолиятларида миллий бизнеснинг ҳақон стандартлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорликнинг аҳанавий маданиятини қайта тиклаш борасидаги сай-ҳаракатларга кўмаклашиш ниятидандир.

Партия платформасида иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг бош принциплари сифатида мамлакатимизда Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этиб келинаётган "Ислохот ислохот учун эмас — ислохот инсон учун" тамойилини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш орқали халқимиз турмуш шароитининг яхшилланиб бориши йўлида хизмат қилади.

Меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Шу жиҳатдан, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, ёш оилаларни кўлаб-қувватлаш оила-боболаримиздан қолган аҳанави эканлигини таъкидлаган ҳолда, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизга ҳар томонлама кўмаклашиш, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун зарур ҳуқуқий ва самарали механизмларни кучайтиришни ижтимоий соҳадаги асосий вазифаларимиздан бири, деб биланди. Бунинг учун амалдаги қонунчиликка тегишли имтиёзлар белгилаш билан бирга, мавжуд ҳуқуқат ва маҳаллий дастурларда назарда тутилган вазифаларнинг бажарилиши устидан депутатлик назоратини янада кучайтирамиз.

Оила ва никоҳ ҳалқимиз учун муқаддас қадрият, яъни, шахснинг шаклланишида оиланин ўрни беқийёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институтига ва қадриятларини янада мустақкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган сиёсат олиб борамиз ҳамда "Юксак маънавиятли оила орқали тараққиёт сари" деган гоёга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратариш ва уни амалга ошираемиз.

Миллий менталитетимиз ва асрлар мобайнида сақланиб келинаётган улум ва аҳанавиликни ҳамда Абу Али ибн Сино синга буюк алломуларимиз илимий мероси замирида аҳоли соғлигини мустақкамлаш ва соғлом насл яратиш, вояга етказиш масаласи мавжуд. Шунинг учун ҳам партиямиз ушбу қадриятларимизни ривожлантириб, уни келажак авлод онгига сингдиришга астойдил ҳаракат қилади. Жамиятда табиий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашамиз. Буюк бобоқалонларимиз асрларида ўз ифодасини топган, Ўзбек

кхстон халқига тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи, аҳанавилик, шунингдек, аҳоли соғлигини мустақкамлаш, ижтимоий ҳавфли касалликларни профилактикаси ва уларни бартараф этишга қаратилган давлат дастурларининг ижросини янада фаоллаштириш учун курашамиз.

Партиямиз экологик хавфсизликни, айниқса, миллият соғлиги ва генфондини ҳимоя қилиш, хусусан, Оролбўйида, шунингдек, экологик ва табиий фалокатлар юз бериши мумкин бўлган зоналарда яшовчиларнинг соғлиги ва генфондини ҳимоя қилиш мақсадида экологик хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш тарафдори сифатида ўз олдида бир қатор вазифалар қўймоқда.

Электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида соғлиқни сақлаш, фан, адабиёт, маданият, спорт ва санъат соҳалари ҳодимларини моддий жиҳатдан кўлаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни маъқуллаш лозим. Ижтимоий соҳага ҳимоя ва саховатпешалик қилиш ҳаракатини мамлакат бўйлаб кенг авж олдиришнинг таъсирчан чораларини кўраемиз.

Партиямиз инсон омиллини ривожлантиришга, миллий аҳанавилик ва жаҳон ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, таълим-тарбия тизимини янада тараққий эттириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш орқали мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустақкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишида ҳар томонлама фаол иштирок этади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни кўлаб-қувватлаган ҳолда, бу соҳада сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш ва ижтимоий қафолатлар тизимини такомиллаштириш йўлидан боради. Аҳоли томонидан эъзозланадиган ижтимоий қадриятлар, ўзaro муносабатлар тизими ҳамда ислохотлар, энг аввало, инсон учун деган принцип ҳаётда ўзининг реал ифодасини топиши учун курашади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғоғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда катнашишини эълон қилар экан, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини кўпчилик ўринини эгаллаш орқали ўз тарафдорлари манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзининг дастурий вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилиш орқали Ватанимиз ва халқимизнинг бугунги ҳаёти ва келажакда дахлдор масалаларни ҳал этишни ўзининг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди.

Биз учун устувор мақсад — Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати дур!

Эркин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари

МУРУВВАТ

Касбим тақозоси боис бу инсон билан бир неча бор учрашиб, суҳбатлашганман. Таъкидлаш лозимки, Шариф ака сўзлашда ҳам, бирон юмушни бажаришда ҳам ҳеч қачон ишончсизлик қилмайти. Биланларваоз гапириб шуҳрат қозонишни эса умуман ҳушламайти. Шу боисдан бўлса керак, қатор йиллардан буён масъулиятли вазифаларда ишлаб келмоқда.

Меҳнатдан эъзоз топаётган инсон

Шариф Эшмуродович Юлдошев 1958 йилда Тайлоқ туманида туғилди. 1975 йилда туманининг Улуғбек ҳўжалигида ишчи бўлиб фаолият олиб бориш билан бирга Самарқанд Давлат университетининг Механика-математика факультети кечки бўлимига ўқишга кириб, 1983 йилда мувафқиятли тамомлади. Шу йилдан ҳўжаликда катта иқтисодчи сифатида иш бошлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент Қишлоқ ҳўжалик олийгоҳининг Иқтисод факультетини ўқиб, иқтисодчи-ташкилотчи мутахассислигини эгаллади. Турли йиллар давомида Самарқанд туманидаги ҳўжаликлар чорвачилик комплексини бош иқтисодчи, туман нафақа бўлими бошлиги, Тайлоқ туман ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бўлими бошлигининг ўринбосари, туман ҳокимининг умумиқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари, Самарқанд вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари вазифаларини дахмнат қилди.

2008 йилининг декабринан буён «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд вилояти филиали директори вазифасида ишлаб келмоқда. Меҳнат фаолиятида иқтисодий таҳлил, ҳисоб тизими ишига катта ҳисса

қўшиш билан бирга, иқтисодиётимизнинг шаклланиши, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини ёшларга тушуниришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шариф ақанин доимий шиори «Маънавияти юксак инсон иқтисодий ислохотлар моҳиятини, унинг ҳуқуқий жиҳатларини ҳам чуқур англайти».

Ана шундай уйғунлик муҷассам бўлса, иқтисодиёт тамойиллари ҳам мустақкам бўлади. Зеро, бугунги эришилаётган мувафқиятлар, маънавий жасорат маҳсули. Одамларнинг қувончу ташвишлари, инсон маънавиятининг даражаси билан боғлиқ, дейди у.

Шариф Юлдошев эл орасида эътибор қозонган намунали оила бошлиғи. Турмуш ўртоғи Матлаб опа билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишти. Бугун уларнинг барчаси Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилмоқдалар. 49-Тайлоқ сайлов округидан халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган Шариф Юлдошевга юқунлашаётган сайловларда у эришган ишлар, эл орасида қозонган ҳурмат ва ишонч мувафқият гарови бўлиб хизмат қилади, деб умид қиламиз.

О.ХОЛИҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» муҳбири

ЁШЛАР ВА САЙЛОВ

Етук авлодни тарбиялаш партиянинг бош мақсади

Мамлакатимизда қизгин сиёсий жараён - Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайлови яқинлашаётган шу кунларда барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ўз сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирди. Ана шундай тадбирлардан бири ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан Навоий тоғ-кон металлургия комбинатида қаршали кончилик коллежида ўтказилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб аталиши ёшларни қувонтириш билан бирга улар зиммасидаги масъулиятини янада оширди. Шу муносабат билан ўтказилган мазкур тадбир ишларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг сайлов қонунчилиги тўғрисидаги билимларини кенгайтириш мақсадида қаратилди. Анжуманда халқ депутатлари Навоий шаҳар, Кармана, Навбахор, Нурота, Кониҳем туманлари кенгашлари депутатлари, турли даражадаги депутатликка партиядан кўрсатилган номзодлар ҳамда партия фаоллари иштирок этидилар.

Тадбирда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 34-Навоий сайлов округидан номзоди кўрсатилган Баҳодир Жумаев, 35-Қизилтепа сайлов округидан номзоди кўрсатилган Муродулло Ёрмаматов, халқ депутатлари вилоят кенгашига номзоди кўрсатилган Кониҳем туманидаги «Жас тулек» ансамбли бадий раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ҳодими Қодир Жўрақовлов ва бошқаларнинг чиқишларини баркамол авлод вакиллари қизиқиш билан қаршиладилар.

Тадбирни коллеж директори Улуғбек Сатторов қисқача кириш сўзи билан очди. ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия

Кўмитаси раиси Йўлдошмурод Жўлиев «Баркамол авлодни тарбиялаш - партиянинг бош мақсади» мавзусида маъруза қилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси қандай мақсадларни қўзаламоқда? Мазкур сиёсий куч мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда ўзини қандай намоён қилиши керак ва қандай воситалар билан ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиши лозим, деган саволлар, табиийки бутун электоратни қизиқтириши таин. Аҳоли орасида партия нуфузини ошириш, халқ ичига кириб бориш нафақат партия аъзоларининг фаолигига, балки партиянинг нечоғли катта сиёсий куч сифатида намоён бўлишига боғлиқ,- деди партия етакчиси.

Тадбирда Навбахор туманидаги А.Қодинрий номли 1-ўрта мактаб директори, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Самия Муродова «Ёшлар ва сайловлар» мавзусида маъруза қилди. Навоий кончилик касб-ҳунар коллежи талабаси Дилобар Қувновна сўзга чиқиб, ёшларга берилаётган имкониятлар ҳақида гапирди.

Шундан сўнг сайлов қонунчилиги, партиянинг сайловолди платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар юзасидан савол-жавоблар бошланиб кетди. Жумладан, талабалар Азизжон Абдуҷалилов партиянинг «Ёшлар қаноти» фаолияти борасида, Бахтиёр Норқобилов ёшларнинг сайловдаги иштироки, Амрулло Турсунов Республика «Экологик ҳаракати»нинг сайловдаги иштироки тўғрисида тушунча беришни сўрадилар. Ёшларнинг саволларига Ғўқорлик жамиятини ўрганмиш институти Навоий минтақавий ахборот-таҳлил маркази раҳбари Х.Раупов ва Навоий Кончилик институти проректори, профессор Б.Мухиддинов ва партия фаоллари жавоб бердилар.

Парда ЖУМАЕВ,
«Milliy tiklanish» муҳбири

ЭЛ АРДОҒИДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутатлигига 47-Дўстлик сайлов округидан номзоди кўрсатилган Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти Самарқанд филиали раҳбари Жамшед Ахмеджановни изланувчан, тадбиркор раҳбар сифатида кўпчилик яхши билади.

Х.ОРИПОВ,

«Milliy tiklanish» муҳбири

У ёшлиғидан боғбонлар меҳнати га ҳавас қилиб улғайди. Отаси Абдуғани ака, онаси Гулҷехра опа умр бўйи боғбонлик қилди. Филиалда ишлаб шу

ердан нафақага чиқди. Уларнинг яшилликка бурканган мазкур ҳўжаликка кўп меҳнатлари синган. Хозирда улар нафақадан бўлишса-да, ўғлига ҳар кун

«боғ яратган элда азиз бўлади», деган насихатларини айтишни қанда қилишмайти.

Жамшед Ахмеджанов ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд Давлат университетининг биология факультетида таҳсил олди. Иш фаолиятини шу филиалда лаборантликдан бошлади. Сўнгра ҳосилот, бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Касбининг севди, тинимсиз изланишлар олиб борди. Унинг меҳнатлари инобатга олинди, 2007 йилда филиал раҳбари этиб тайинланди. Айни пайтда Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти кўлаб-қоҳирий давлатлар билан илмий ҳамкорликлар қил

Интилганга толе ёр

моқда. Шунингдек, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидаги боғдорчилик, мева-узумчилик соҳасидаги йирик илмий марказга айланди. 2009 йилда юқоридаги вилоятларнинг 14 та туманида мева-узумчиликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган семинарлар ўтказилди. Қўзланган мақсадга кўра мева-узумчиликнинг истиқболли ва илмий асосларини излаб топиш, янги навлар яратиш, мева

ва сабзавотни қайта ишлашдаги технологик самардорлик ҳулосалари таҳлил этилди. Жамшед Ахмеджанов тадбиркор раҳбар. У бу вазифани зиммасига олган даврда корхона қарзга ботган, ишчи-ҳодимларнинг қўли ҳам ишдан анча совиган эди. Сўнги икки йилдан эса корхона қарздорликдан батамом қутилди. Иқтисодий кўрсаткичлар юксалиб, моддий манфаатдорлик ўсди. 2008 йилда 350 миң тоқ, 60 миң дона бошқа турли кўчат-

лар ўстирилди. 1000 тонна сабзавот, 1000 тонна мева, 700 тонна узум етилтирилди. Тажрибна майдонидаги ғалладан мўл ҳосил олинди. Филиал йили 40 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Одамларни эзгу ниятлар билан ўзига эргаштириш олган инсон ҳамиша ҳурмат-эътиборда бўлади,- дейди «Янгиёриқ» маҳалласи оқсоқоли Мамақул Худойназаров. - Худудимизда 420 нафар хонадон истиқомат қилади. Қўриб турганингиздек улар ҳўжалик худудини дахмнат қилди. Кейинги йилларда бу ерда кўлаб кўз қувондиғи, надиған, кўнгил ярайдиган тадбирлар, ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

Кимдадир муаммо сезилса, биргаличиб ҳал қиламиз. Бу ишларда Жамшед Ахмеджанов албатта, бош-қош бўладилар. Дарҳақиқат, номзоднинг сайловолди ҳаракат дастури билан танишар эканмиз, асосий эътибор ҳар бир ғўқоро жамиятдаги қонунлар олдида ўзини бурчи деб билиши, яшаш жойларидаги ижтимоий, маданий, маший масалаларни яхшилашга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга қаратилганини кўраемиз. Ўйлаймики, юрт тараққиёти учун ўзини дахлдор деб билган халқимиз бўлажақ сайловларда депутатликка Жамшед Ахмеджанов сингари муносиб номзодларга овоз беради.

ЖАРАЁН

ЖАРАЁН

Ёш иқтисодчилар маскани

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотлар юртимизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига чуқур интеграциялашуви иқтисодиёт, бошқарув, тадбиркорлик соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни талаб қилади. Шунингдек, давримизнинг муҳим вазифаларидан бири демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни бевосита кадрларнинг ўз мутахассислигини чуқур билиши, етук маънавиятга эга бўлиши билан узвий боғлиқ.

Каландар АБДУРАХМАНОВ,
Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Айниқса, Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ҳам соҳада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириди.

Ўзбекистон Республикасининг глобаллашув давридаги тараққиёти, ривожланиши, жаҳондаги етакчи мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқаларнинг муттасил кенгайиб бораётганлиги ҳам ушбу фаолиятда юқори малакали кадрларнинг бевосита иштирокига, ташкилотчилик қобилиятларини намойён қилишига боғлиқ. Айниқса, жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз иқтисодчи кадрларнинг назарий ва амалий билимларига бўлган талабларни янада кучайтирди.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратган. 500 дан ортиқ талабалар таълим олаётган ўқув муассасасида барча шароитлар яратилган. Филиалда "Бизнес ва бошқарув" факультети ташкил этилган бўлиб, "Молия ва кредит", "Меҳнат иқтисодиёти ва менедж-

мент", "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ" ихтисослигидан мутахассисликлар тайёрланади. Филиалнинг магистратура бўлимида "Фирма иқтисодиёти ва тармоқлар бозори", "Молия иқтисодиёти ва инвестициялар" йўналишларидан магистрлар тайёрланади.

Малакали иқтисодчилар тайёрлаш учун танлов асосида педагоглар жамоаси шакллантирилган. Улар олтига кафедралик таркибига илмий, ўқув услубий ва тарбиявий ишларни олиб боради. Филиалда "Молия ва кредит", "Меҳнат иқтисодиёти ва бошқарув", "Гуманитар ва ижтимоий иқтисодий фанлар", "Иқтисодий назария", "Иқтисодий математика ва информатика", "Чет тиллар" кафедралари иш олиб бораёпти. Кафедраларда меҳнат қилаётган профессор ўқитувчилар янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда талабаларга дарс беришмоқда. Таъкидлаш лозимки, профессор ўқитувчиларнинг 74,0 фоизи фан докторлари, профессорлар ва фан номзодлари, доцентлардир. Шунинг учун ҳам филиалда мунтазам суръатда мутахассислар тай-

ёрлашнинг муҳим бўлаги бўлган ўқув услубий, илмий изланиш ва тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Филиал Балония Университети билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган бўлиб, илмий ва ўқув методик фаолият борасида ишларни амалга ошириш мўлжалланган.

Ўтган ўқув йили натижасига кўра, академиянинг филиалини 111 нафар бакалавр, шундан 31 битирувчи имтиёзли диплом билан ўқишни тамомлади. 58 битирувчи магистрлик дипломи берилди.

Ўқув услубий ишлар тасдиқланган ўқув режаларига мубодиф ташкил қилинган. Талабаларнинг фанларни ўзлаштириши учун барча шароитлар яратилган. Филиал ҳузуридаги ахборот ресурсларига 30 минг нусхадан ортиқ дарслик, ўқув услубий китобларга эгадир. Бу ўз навбатида талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича билимларни янада мустаҳкамлаш, шу билан бирга маънавий, ахлоқий дунёсини шакллантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек, талабаларга ўқитилаётган фанларни чуқур ўрганишда қўлай-ликлар яратиш мақсадида электрон кутубхона ташкил этилган. Ушбу электрон кутубхонага ўқув режасидаги барча фанлардан яратилган ўқув услубий материаллар, шу жумладан ўқув ва ишчи дастурлари, маъруза матнлари, назорат саволлари, тестлар, фойдаланадиган адабиётлар рўйхати киритилган бўлиб, ушбу материалларни талаба исталган жойда компьютердан фойдаланган ҳолда мустақил ўқиши, ўрганиши, танишиш имконияти яратилган.

Филиал жамоаси томонидан олиб борилаётган ўқув-услубий ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири барча курсларда ўқитилаётган фанлардан электрон дарслик ва ўқув қўлланмаси яратилиб

талабаларга тақдим этилган. Филиалнинг ахборот ресурсларига мунтазам равишда мамлакатимиз ва хорижий мамлакатларда чоп этилган дарслик, ўқув қўлланмалари, иқтисодий адабиётлар билан тўлдириб борилмоқда.

Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, фанлар бўйича олинган топшириқларнинг мазмунли бажарилишини таъминлаш учун кафедралар ҳузурида талабаларнинг илмий тўғрақлари вужудга келтирилган. Жумладан, "Гуманитарий", "Менеджер", "Иқтисодчи", "Молиячи", "Математик информатик" каби тўғрақлар шулар жумласига кирилади. Бу ерда талабалар ёрдамида "Стол атрофидаги мунозара", "Диспут", "Сўхбат", "Дебат" ҳамда фанлар бўйича турли мусобақалар уюштирилади. Яқинда "Ёшлар тарбиясининг долзарб муаммолари" ва "Инқирозга қарши дастур амалиёти" каби мунозарали тadbирлар талаба ва профессор ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди.

Филиал жамоаси талабаларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Академик гуруҳларда ўтказиладиган тарбиявий соатларда Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ожас маънавият — енгилмас куч", "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарлари талабалар томонидан чуқур ўрганилди. Талабаларнинг ҳуқуқий онги, сиёсий маданиятини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, атоқли олимлар билан учрашувлар ўтказилиши аниқлаш кирган. Филиалда "Миллий тикланиш" демократик партиясининг шўъбаси ташкил этилган ва унинг таркибига 50 дан ортиқ аъзолар жалб қилинган.

Филиалда олиб борилаётган барча ишларимиз юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирок этадиган, ватан фидойиси, чуқур билимга эга бўлган, ўз мутахассислигини талаблар даражасида биладиган иқтисодчилар тайёрлашга қаратилгандир.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Ҳар қандай қинғир иш борки фош этилмасдан, бунга қўл урган киши эса ўз жазосини олмасдан қолмайди. Доно халқимиз "Ҳисоб-киتابсиз дунё йўқ", дейишлари бежиз эмас.

Алдовга учманг

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанцияси, Ўз биносида, очик суд мажлисида хато йўлга кириб, одам савдоси билан шуғулланган кимсаларнинг қилмишларини қўриб чиқди ва тегишли жазо белгиледи. Тошкент шаҳар Бектемир туман судининг ҳукмига кўра 1960 йилда Бухоро вилоятида туғилган, оилали, беш нафар фарзандли, муқаддам судланмаган Ҳамида Нурсултонова (мақолада тилга олинмаган шахсларнинг исм-шарифлари ўзгартирилган М.) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 168-моддаси 3-қисмининг "в" банди ва 135-моддаси 3-қисмининг "а,г" бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланиб ҳамда жиноятнинг бошқа томонлари инобатга олинган ҳолда узил-кесил 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг худди шу бандлари билан айбдор деб топилган ва жиноят содир этишнинг бошқа томонлари инобатга олинган ҳолда 1960 йилда Бухоро вилоятида туғилган Бозор Шожоҳоновнинг қилмиши қўриб чиқилиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш билан жами 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди...

Жиноятчиларнинг туғилган йилларига назар ташлаб, беҳос жиноят ёш танламас экан-да, дея ўйлаймиз. Аслида, ёш авлодга ўрнак бўлиб, адашганларга тўғри йўлни кўрсатиши, фарзандларини дуо қилиб, уларнинг муваффақиятларига сабабчи бўлиши лозим бўлган кимсаларни қандай сўзлар билан таърифлашни билмайсиз.

Бекорчи "тадбиркорлар" дастлабки тергов жараёнида шахси аниқланмаган Муаззам ва Абдусалом исмли шахслар билан олдиндан жинойи тил бириктириб, ёш қизларни ёллаб, уларни алдаш йўли билан шахвоний ва бошқа қора мақсадларда сотиб юборишни режалаштиришган эди. Жиноятчиларнинг навбатдаги режаси эса амалга ошмай қолди...

23 февраль кuni яқинлашиб келаётган баҳорнинг омадли келиши, қармоққа кўпроқ ўлжа илинишига умид

боғлаган Бозор Шожоҳонов ва Ҳамида Нурсултонова энди 17 ёшни қаршилаётган Мавжуда ва Зиёданнинг ишончидан фойдаланиб, уларни пуллашга қарор қилишганди. Мавжуданинг ёш, тажрибасиз ва соддалиги, Зиёданнинг эса мўмай даромадга алданганлиги савдонинг "баракали" бўлишидан дарак бераётганди. Уддабуронлар қоп-қоп вадалар бериш, қизларнинг фамилияси билан Бирлашган Араб Амирликларидоғи Мавжуда ишлаётган дўкonda сотувчи сифатида минглаб долларларни қўлга қаритишига ишонтириш билан бирга, уларнинг жами 142 минг сўм пулини, "чет элда сўм ишлатилмайди", деган баҳона билан ўзлаштириб олишган.

Ниҳоят, Бозор Шожоҳоновнинг "Нексия" русумли авто улови йўлга чиқади. Овнинг бароридан руҳланган шериклар қизларни аввалига Тошкент шаҳри бўйлаб керакли жойга олиб ўтиши ва Муаззам томонидан "Вестерн - Юнион" орқали юборилган пулларни тақсимлашга келишилади. Олдинда ҳали жабрдийдаларни Дубай шаҳрига фоҳишалик учун Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳридаги Абдусалом орқали жўнатиш масаласи турган эди. Тошкентни кезиб юрган устомонлар эса олдинда турган масофани босиб ўтиш учун ёқилғи гамлаб олмоқчи бўлиб, Чилонзор туманидаги ёқилғи шахобчасига келганида тегишли хавфсизлик бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинади.

Мавжуда ва Зиёданнинг ишонувчанлиги, тажрибасизлиги сал бўлмаса нафс домига тушиб, қинғир ишни касб қилиб олганлар қурбонига айланишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин эди. Вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар уларни келажаклари хавф остидан қўлга олишга олиб келди. Бу эса барчамизни яна бир қарра огоҳ бўлишга, ўз мақсадига эришиш йўлида инсонийлигидан ҳам воз кечадиганлар алдовига учмасликка ундайди.

Мурод МИРЗАЖОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси
Акобир САИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

2009 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб, жаҳонга машҳур бўлган "The Banker" журнали тарафидан тан олинган

"АГРОБАНК" ОАТБ

ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИ, МИЖОЗЛАРИ, БАРЧА ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ кириб келаётган ЯНГИ 2010 ЙИЛ байрами билан сидқидилдан табриклайди!
Янги йилда сизларга соғлиқ, тинчлик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз!

Байрам шарафига "АГРОБАНК" ОАТБ Сизга қуйидаги янги муддатли ва жамғарма омонат турларини таклиф этади

Омонат	Муддати	Фоииз ставкаси	Маблағларни қабул қилишнинг тўхтатиш муддати	Омонат шартлари
«Янги йил совғаси»	1,3,6,9 ва 12 ойгача	26% Жамғарма	20.02.2010	Омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фойзаларни олиш ҳуқуқига эга. Омонатчи омонатнинг ҳаракат даври мобайнида қўшимча бадаллар қўшиб бориш ҳуқуқига эга. Қўшимча бадаллар миқдори чегараланмайди.
«Баркамол авлод - 2010»	6 ой	27% Муддатли	30.06.2010	Омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фойзаларни олиш ҳуқуқига эга. Ҳисобланган, лекин олинмаган фойзалар омонатнинг асосий суммасига қўшилмайди.
	12 ой	28% Муддатли		

"АГРОБАНК" — ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

КЎЗГҮ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Ўзбек халқининг либослари ҳақида сўз борганда, атлас, адрас, беқасам тўнлар, дўпши, белбоғларга таъриф берилadi. Айниқса, бек йигитларнинг кўрғига кўрк кўшиб турувчи «шоҳи белбоғи» кишининг ҳавасини келтиради. Тарихга назар ташласак, белбоғ қадим замонлардаёқ пайдо бўлганига гувоҳ бўламиз.

Шоҳи белбоғ

Буюк бобокалонимиз ибн Синонинг ёзишларича, белбоғ буйрак учун фойдали, у турли шамоллашларнинг олдини олади

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Millyy tiklanish” мухбири

Унинг ilk кўринишлари, ҳозиргидек тўрт бурчак эмас, энли ва энсиз тасма шаклида бўз, шойи, теридан тайёрланган. Белбокқа уйдан узокроқ жойга чиқилганда егулик тутилган, бундан ташқари у дастурхон, сочик, жойнамоз вазифаларини ҳам ўтаган. Эркаклар белбоғни соҳасидан келиб чиқиб танлаганлар. Бунда мактабнинг тури, ранги, безаклари катта аҳамият касб этган. Кексалар оқ бўздан тайёрланган кашталари одми кўринишдаги белбоғдан фойдаланишган, ёшлар лас, шойи, атлас нақшларида куёш, гуллар расмлари туширилган, ёрқин рангли ипаклардан тикилган белбоғ тугтанлар. Белбоғлар касбга кўра ҳам фарқланган. Амалдорлар тоза матога зар иплар билан безак берилган, ҳарбийлар эса чармдан тайёрланган белбоғларни хуш кўришган.

Маросимларда совага сифатида белбоғ бериш хурмат-эътиборни аңлатган. Бу одат ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Мард бели бақувват бўлиб улгайсин, деган ниятда тўй болага қийиқча, куёв тўраларга келин томони шоҳона белбоғ боғлашган. Бу куёв хондонидан доим “бек” бўлиб юрсин, деган маънони аңлатади.

Халқимизда мард лафзи ҳалол, ориятли йигитларни “бе-лида белбоғи бор” дея макташади. Демак, белбоғ кишининг фазилатларини ҳам белгилган.

Мен тадбиркор аёллар палатасига аъзо бўлиб, ишимни хунармандчиликдан бошла-ди. Қадимий либос ва буюм-ларимизни йиғиб, уларнинг



Каштачилик — авлоддан-авлодга ўтаётган бебаҳо мерос.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Театрлар фестивали

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан Андижон вилоятининг «Лола» кўғирчоқ театрида юрти-мизда фаолият юритаётган Кўғирчоқ театрларининг VIII аънавий кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Кўрик-фестивалда Қорақалпоқ кўғирчоқ театри «Сахродаги дўстлик», Андижон вилояти

қисми «София» тантаналари саройида ўтказилди. Барча иштирокчилар учун вилоят ҳокимли-нининг базм дастурхони ташкил этилди. Фестиваль натижалари-га кўра биринчи ўрин Самарқанд вилояти ва Республика кўғирчоқ театри, иккинчи ўрин Хоразм ва Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри, учинчи ўрин Андижон ва Жиззах вилояти кўғирчоқ театр-ларига nasib этди.

Шунингдек, фестивал дои-расида театр жамоалари Анди-жон вилоятининг шаҳар-туман-ларида бўлиб, мактаб ўқувчилари, мактабгача таълим муассса-салари тарбияланувчилари билан ижодий учрашувлар ва спек-таклар намойиши этдилар.

Хусан БУРҲОНОВ

ВОҚЕА

Бир-бирига туташ баланд тоғлар этагидаги Саврук қишлоғига кейинги пайтларда чўлоқ бўри тез-тез оралиб, одамларнинг тиңчини буза бошлади. Йиртқиҳ ҳар доим ёлғиз юрар ва борган жойидан қуруқ қайтмасди. Бу ҳол айниқса, қишлоқ чеккасида жойлашган чорвачилик фермер хўжалиги қўйивонларини ташвишга солиб қўйди. Кичик хўжалик қарамоғида йиғир-мата бузоқ ва бир отар қўй бўлиб, хавф-хатарлардан сақлаш қийин бўлиб қолди.

Чўлоқ бўрининг фожиаси

Абдулла САИДОВ

Ферма чорвадорлари ниҳоят келишувдан сўнг бир неча гуруҳга бўлиниши тунда навбатчилик қиладиган бўлишди. Барча зарур эҳтиёт чоралари-ни кўриб қўйишди. Бора-бора ёвуз йиртқичдан қўшни қишлоқдаги одамлар ҳам хабар топиди. Ушанда қуз охирига аёзли, совуқ кунлар бошлан-ган эди. Ярим тунда кўтлмаганда бузоқхона яқини-да чўпон итларнинг жон-жаҳди билан ҳуришлари оловда исиниб ўтирган чўпонларни сергақлан-тирди. Улар ойнинг хира ёруғида қорайиб кўрин-ган жонлиқни ўртага олиб, қўлларига илинган нарса билан савадай бошлашди. Итлар овози тиңгач, фонуи чироқ ёруғида ўртада жон талваса-сида чўзилди ётган, йиртқиҳ бўри эмаслиги маълум бўлиб қолди. Шўрлик ҳўтик чўпонлар кўз ўнгида пилтираланган жон берди. Аксига олиб, ҳўтик эгаси туманда отнинг қашқасиддай танилиб қолган шикоятчи Мамат мўйлов бўлиб чиқди. Шошқалоқлик панид бериб, товонига улоқ бериб, зўрга ундан қўтилишди.

Яна қишлоқ одамлари ўртасида чўлоқ бўри ҳақида ҳар хил миш-мишлар тарқалди. Уч-тўрт одам тўпланган жойда, албатта, йиртқичдан гапир-лар, унинг борган жойидан қуруқ чикмаслиги, қордаги излардан бўрининг чўлоқлигини билиб бўлмаслигини тушунтиришарди. Аммо, сой эта-гидаги қалин чакалак ва қамишзорларда йиртқи-чининг уч оёқлаб илдам ҳаракатланганлигини кўрганлар бор экан. Ҳа, нима бўлганида ҳам бўри-нинг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон-да.

Орадан уч-тўрт йил ўтди. Чўлоқ бўри эса ҳамон қишлоқдан узоклашмас, олис сафарга чиқиб ов қилмас, кичик ферма ва қишлоқ молларига тиң-лик бермай келарди. Энг ажабланирлиси, кейин-ги пайтларда йиртқиҳ семиз мол туриб, ёш улоқ

ва кўзичоқларга тажовуз қиладиган одат чиқар-ди. Кўпни кўрган чорвадорлар йиртқиҳнинг энди қариб, ёши бир жойга бориб қолганлигини таҳ-мин қилишди. Қўрада ов милтигининг йўқлиги шундай пайтларда панд берар, улар тунларни бедор ва ҳаловатсиз ўтказишарди.

Саратон чиқиб қўшни қишлоқда яшовчи Мурод овчи ферма чорвадорларининг жонига оро кирди. Дастлаб овчи тўя ўрқачини эслатувчи тоғ-лар оралиғидан сой ва жарликларни синчковлик билан кузатди. Бир-икки қир наридаги қамиш ва чакалакзорларга назар солди. Негаки, бу пайтда бўрилар чакрткиканак, жингил ва янтоқлар пи-шиб ётилганлигидан уларни четлаб ёлғизоёқ йўллардан юришлари овчига маълум. Шунинг учун у шу йўлларга яширин қопқонлар ўрнатиб, бир неча тунларни бедор ўтказди. Унинг уриниш-лари ва елиб-югуришлари зое кетмади. Ниҳоят, кўнларнинг бирида тонг саҳар чўлоқ бўри қопқон-га тушди. Йиртқиҳ бу гал орқа оёғидан илинган бўлиб, жойида тик туролмас, ҳар томонга юлқи-нарди. У яқинига ҳеч кимни йўллатма, қўлоқларини чимирганча ириллаб қўярди. Ҳақиқатдан бўри қариб қолган, оғзидаги тишлари тўқилиб тамои бўлган экан. Оёқларининг соғ жойи йўқ; суяги синиб қийиқ битпан, сочма кўрғошин ўқ излари-дан ҳам қолибди. Афтидан чўлоқ бўри бундан тўрт-беш йил илгари қопқонга тушиб, олдинги оёғидан ажралгач, атрофдаги қишлоқ одамлари билан ўқатишиб қолган ва узок-узокларга овга чикмас-дан Саврук қишлоғидаги молларга тажовуз қилиб кун кеңиб келган экан.

ЎГИТ

Дўст бўл, топ дўсту ёринг беадад,
Йўқса, қолгайсен жаҳонда беадад.

Изласа, топгай, яна нетгай киши,
Сабр этолса, орзуга етгай киши.

Жалолидин РЎМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Эгей денгизи қирғоғидаги Кимолос оролининг тупроғи таркибида ёғли совун моддаси бор. Орол аҳолиси узок йиллардан буюн тупроқдан совун ўрнида фойдаланишади. Мабодо ёмғир ёғиб қолса борми, оролни совун кўпиги босиб кетади.

Сахрои Кабирдаги Тегаз шахрида катта-катта тузли тошлардан қурилган уйлари учратиш мумкин. Чунки, у ер дунёдаги энг қуруқ макон ҳисобланади: ёмғир умуман ёғмайди. Ёғингарчилик бўлмагандан кейин ўз-ўзидан ҳавотирга ҳам ўрин қолмай тузли уйларида бемалол истикомат қилиш мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

Янги йилнинг янги коллекцияси

Samsung Electronics янги йил арафасида 2010 йилга мўлжалланган иккита янги телефон — S7070 ва S5150 моделини оммага намойиш этди.

Компания ходимларининг таъкидлашича, ушбу телефонлар модели асосан модани кузатувчи ҳамда замонавий аёлларга мослаб ишлаб чиқарилган. S7070 ва S5150 мобил телефонлари нафақат ташқи кўри-ниши билан аёлларни ўзига ром этади, балки кўпглаб функцияларга эга-лиги билан ҳам аҳамиятлидир. Маса-лан, SOS Message ва Fake Call хизматлари ноқулай вазиятлардан осон чиқиб кетишга ёрдам беради. Ушбу коллекциялар 2010 йилнинг февралдан сотувга чиқарилиши мўлжалланган.



Мўъжизавий пулт сири

Тиңиб-тиңичмаган япониялик мутахассислар техника ишқибозларига янада қудайлик яратиш учун, батареялик масофадан бошқариладиган қурилма (пулт)ни иштира қилишди.

NEC ва Soundower муҳандислари мўъжизавий пултининг сири унинг ичиди жойланган махсус генераторда дейишмоқда. Айтишларича, қурилманинг тугмаси босилганда қисқа тўққин ҳосил бўлиб, қурилма шунинг ҳисобига қувватланади ва бир қанча функцияни бажара оларкан. Мутахассислар маъзур қурилмага яна бир оз ўзгариш киритиб 2011 йилдан уни халқаро бозорга чиқаришни мўлжаллашмоқда.



Ғаройиб топилма

Эроннинг Паршон кўли ёнида қадимги қаср ва улкан хум топиздан дейишди хориж хабарномасида.

Мутахассисларнинг ўтказган текширувларидан маълум бўлишича, ушбу қадимги қаср Сосонийлар салтанати даврига тааллуқли бўлиб, баҳайбат хум мана шу қаср девори орасига жойланган бўлган. Тарихчиларнинг фикрига қараганда, ўша даврда кўмиш маросимида шундай улкан хумлардан фойдаланилган экан.



Қизил сайёрада...

Олимлар Марс сайёрасининг муз қатлами остида сув бўлиши мумкин, деган назарини яна бир бор илгарги суришмоқда.

Ушбу назария ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ таҳмин қилинган эди. Бироқ, унда олимлар ўз ҳисоб-ки-тобларида муз эмас, қорни ино-батга олишган ва Қизил сайёрада атмосфера босими пастиги ҳисо-бига ушбу йўл билан олинган сув тез-да буғлиниб кетишини аниқлашган. Ҳозирги ҳолатда эса олимлар ўтказган тадқиқотларида буғлиниш ҳисобига муз остининг 10 метр чуқурлигидида сув ҳосил бўлишини исботлашди. Аммо олимлар сувини буғлиниб кетишига йўл қўймаётган муз химоя-сидаги қўннинг доимийи ёки вақти-вақти билан пайдо бўлиши-ни аниқлаш борасида изланишларни давом эттиришмоқда.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА
тайёрлади



«КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) Тошкент шаҳар филиали, ишлаб чиқариш жараёнида йўқолган қуйидаги КФ серияли № 147068; 147075-147079; 147082; 147085; 147087; 147090-147091; 147947; 147961-147962; 147964-147965; 157161; 157164; 157168-157169; 157171; 157177; 157180; 157394; 157396; 157398; 157401-157402; 157404; 157407; 157429; 157891; 157921; 157987; 157989-157990; 157999; 208618; 208624; 208627-208631; 208634-208638; 208641-208643; 208645; 208647; 208649; 208651; 208653-208655; 208658-208659; 208740-208741; 208743-208744; 208746-208767; 208769-208777; 208779; 208781-208785; 208787-208789 рақамли суғурта полислари бланкалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

БОЛАЛАРНИ ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Асли кўп ёғинлар қишли-қировли кунларга тўғри келади. Баъзида озгина совуқ бўлса хонандларимизни иситиш учун турли хил воситалардан фойдаланамиз. У келтириб чиқарадиган зарар ва оқибатлар ҳақида эса ўйлаб ҳам ўтirmаймиз. Холбуки, оиласи, ширин-шакар фарзандлари бахтини уйлаган ҳеч бир инсон бундай ноқонуний ишларни қилмайди.

Ҳар йили қиш фаслида республикаимизда «Ёнғин хавфсизлиги» ойлги ўтказилади. Аънавага мувофиқ жорий йил 23 ноябрдан 23 декабргача ёнғин хавфсизлиги ойлги деб эълон қилинди. Бунда Бухоро вилоят Ички ишлар бошқармасига қарашли ЁХБ 2-ХЕХО 7-ХЕХҚ ҳам фаол иштирок этди, дейиш мумкин. Бундан кўзланган мақсад ёнғин келиб чиқишининг олдини олишдир. Бунинг учун ўйлаб ходимларимиз корхона, ташкилот, гузарлар, мактаб ва маҳаллаларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришди. Шунингдек, аҳолига ёнғин хавфини олдини олиш йўллари ҳам амалий ҳаракатлар орқали намойиш этилди.

Маълумки, ҳеч бир нарса, жумладан ёнғин ҳам сабабсиз содир бўлмайди. Бунинг бош сабаби лоқайдлик ва эътиборсизликдир. Кўп ёнғинлар болаларни уйда қаровсиз қолдириш оқибатида, газ асбобларига резина қувур улаш натижасида ҳамда бир вақтнинг ўзида бир неча электр асбобларини улаб ишлатиш туйғайли содир бўлмоқда.

Сиз билан бир нарсани унутмаслигимиз лозим, яъни «Қонда-га риюя - хавфсизликка кифоя».

Назрулло ҲАСАНОВ,
Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ
2-ХЕХО 7-ХЕХҚ кичик
инспектори катта сержанти



МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОММИЙ:
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Мухам-маджон КУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММА-ДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолидин САФОВЕВ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқлани-ши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарлиқни ўз бўйнига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-1123, Адади — 4196

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73,
234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Ақбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исमत ХУДОЕВ
Навбатчи:
Камолидин ҲОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.00.